

Ҳадис дарслари (232-дарс) Жинсий яқинлик ва эҳтиломдан кейин ғусл қилган одамда қон юриши яхшиланади



19:00 / 24.05.2023 4009

«Ғусл» сўзи луғатда бирор нарсанинг устидан сув оқизиш деган маънони англатади.

Шариатда эса Аллоҳ таолога қурбат ниятида баданнинг ҳаммасига сув оқизишга айтилади.

Ғуслнинг шариатимизда вожиб қилинишининг ҳикматлари кўп.

Аввало у ибодат, Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш учун зарур нарса.

Иккинчидан, поклик, озодалик ва соғлик учун ўта муҳим омилдир.

Қолаверса, ғуслни вожиб қилувчи нарсалар туфайли инсон вужудида пайдо бўладиган баъзи нопокликларни кетказиш, маний кетиши или жисм йўқотган нарсаларни қайта тиклашdir.

Жинсий яқинлик ва эҳтиломдан кейин ғусл қилган одамда қон юриши яхшиланади ва тетиклик тикланади.

Шунингдек, ният билан қилинган ғусл туфайли гуноҳлар ҳам ювилади.

جُنْبَا كُنْتُمْ وَإِنْ : لَأَعَتُ هَلَّا لَاقْ

فَأَطَهَرُوا

Аллоҳ таоло:

«Агар жунуб бўлсангиз, бас, покланинг», деган (Моида сураси, 6-оят).

تَغْتَسِلُوا حَتَّىٰ سَيِّلٍ عَابِرٍ إِلَّا جُنْبًا وَلَا لَاقَوْ

Ва яна:

«Ва жунуб ҳолингизда, то ғусл қилмагуингизча (масжидда турманг)
магар йўлдан ўтсангиз», деган. (**Нисо сураси, 43-оят**)

«Жунуб» сўзи луғатда «четда турувчи» деган маънони англатади.

Шариатда эса жинсий яқинлик, уйқуда булғаниш ва бошқа сабабга кўра маний чиқариб, ғусл вожиб бўлган шахсга нисбатан айтилади.

Ғусл вожиб бўлган одам намоздан, Қуръондан, масжиддан ва шариат кўрсатган бошқа нарсалардан четда бўлганлиги учун ҳам «жунуб» номини олган.

Биринчи оятда жунуб бўлган одам покланиши, яъни ғусл қилиши вожиблиги таъкидланмоқда.

Иккинчи оятда эса жунуб одам ғусл қилмагунча масжидда тура олмаслиги, магар ғусл қилиш учун ўтишга бошқа йўл бўлмаса, масжид орқали ўтиши

мумкинлиги ҳақида сўз бормоқда.

Демак, жунублик одамнинг баъзи бир нарсалардан четда туришига сабаб бўлар экан.

هُللا يَضْرَبْرِه يَبْأَنْع
هُللا يَلْصِي بَنْلَانْعُ
سَلَجْ أَذِإِلْأَقْمَلْسَوْهْيَلَع
مُثْعَبْرَأَلَا ۚ هَبْعَشْنْيَب
لْسُغْلَابَجَوْدَقَفْأَهَدَج
لْزْنْيِمَلْنِإِوْهَيَأَورِيَفَو
نَأَتْخَلَاسَمَوْ: يَرْخُأَيَفَو
أَلِإِسْمَخَلَأَهَأَورَنَأَتْخَلَأ
يَذْمَرْتَلَا.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачонки у (эр) у(хотин)нинг тўрт мучаси (қўл-оёғи) орасига ўтирса ва унга яқинлик қилса, батаҳқиқ, ғусл вожиб бўлади», дедилар».

Бошқа ривоятда:

«Агар тўкмаса ҳам», дейилган.

Яна бошқа бир ривоятда:

«Хатна қилинган жой хатна қилинган жойга тегса», деганлар.

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Бу ҳадисда ғуслни вожиб қилувчи сабабларнинг энг асосийси ҳақида сўз юритилмоқда. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам жинсий яқинликни англатувчи сўзни очиқчасига айтмай, пардали тарзда баён қилмоқдалар.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Жинсий яқинликдан кейин ҳам эрга, ҳам хотинга ғусл вожиб бўлади.
2. Жинсий яқинликда маний тўкилишининг ғусл вожиб бўлишига алоқаси йўқ. Жинсий алоқа бўлдими, маний тушса ҳам, тушмаса ҳам ғусл вожиб бўлаверади. Бу **«Агар туширмаса ҳам»** деган жумладан билинади.
3. Ғусл вожиб бўлиши учун эркакнинг хатна қилинадиган жойи аёлнинг хатна қилинадиган жойига тегса бўлди. Иссик минтақаларда, хусусан, араб юртларида қизларни ҳам хатна қилиш одати бор. Унда фаржнинг ичидаги бир оз ўсиб турадиган қисми хатна қилинади. Уламоларимиз **«Эркакнинг хатна қилинган жойи аёлнинг хатна қилинган жойига тегиши учун эркак аъзосининг бош қисми аёл аъзосига кириши керак»**, дейдилар. Ана шу ҳолат юзага келганида икковларига ҳам ғусл вожиб бўлади.

أَنْعُمْ لِي ضَرَّةً شَيْءٍ
يَبْنَ لِلْأَسْلُجَرْنَإِ تَلْقَ
نَعْمَلَ سَوْهَ لَعْلَى لِصَ
مُثْلُجْرَلَى مُجْلَهُ لَعْلَى

؟لْسُعْلَامْ يَلْعُلْ كُي
وَشِئْعَلْ سَلْجُقْ رَسَرْلَهُ
أَنْكَلْدُلْغَفَلْ يَنْهَلْ
وَدَهْ مُثَرْلَسَتْعَنْ هَرْلَهُ
مُسْلَمْ.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Бир одам аҳлига яқинлик қилиб, маний тўкилмаган киши ҳақида,
«Икковларига ғусл вожиб бўладими?», деб сўради. Оиша ўша ерда
ўтирган эди. Бас, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, мен буни манави билан қиласман. Сўнгра ғусл қиласиз»,
дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Ушбу ҳадиси шарифда жинсий алоқа пайтида маний тўкилмаса ҳам
барибир эркакка ҳам, аёлга ҳам ғусл вожиб бўлиши таъкидланмоқда.
Сўровчи саволида **«икковларига ғусл вожиб бўладими?»** деб, ҳам эр,
ҳам хотин ҳақида сўрамоқда. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам
ҳам ўз жавобларида:

«Албатта, мен буни манави билан қиласман. Сўнгра ғусл қиласиз»,
деб, Оиша онамизни кўрсатмоқдалар ва маний тушмаса ҳам эр-хотинга
баробар ғусл вожиб бўлишини таъкидламоқдалар. Шундан бу
Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари қилган иш
эканлигини билиб олмоқдамиз.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 18
февралдаги 03-07/1102-ракамли холосаси асосида чоп этилган.

